

Авал хабар берганимиздек, шу йилнинг бошида Американинг Калифорния штатида «Френдшип Форс» халқаро жамоатчилиги ташкилот аъзолари ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-матрифи алоқалар миллий ассоциациясининг таълифига биноан республикада таъриф буюрган эди. Яқинда «Френдшип Форс»нинг таълифига биноан Миллий ассоциациянинг фаолиятларидан тўғриван 15 кишилик делегация Америкада сафарда бўлиб қайтди. Ана шу дўстлик сафар алмашинулари натижасида Миллий ассоциация қоши-

* Ўзбекистон ва жаҳон

«Дўстлик қудрати»

да «Френдшип Форс»нинг Ўзбекистон клуби ташкил этилди. Бу клубнинг тузилиши Американинг миллий байрами — мустақиллик кунини нишонлаётган дамларга тўғри келди.

Клуб ташкил этилиши муносабати билан ҳамда Американинг мустақиллик кунига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-матрифи алоқалар миллий ассоциациясида тантанали кеча бўлиб ўтди.

Кечада «Френдшип Форс» Ўзбекистон клубининг раиси Шоҳобов меҳмонларни клубнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари билан таништирди. Муштарийларимизга маълумот учун шунинг айтиб ўтишимиз кераки, инглизча «Френдшип Форс» сўзи «Дўстлик

қудрати» деган маънони англатади. Ҳозир дунёнинг 250 дан ортиқ мамлакатда унинг бўлиналари бўлиб, ташкилотнинг асосий вазифаси жаҳон халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ўрнатишдан иборатдир. Бу ташкилот аъзолари орасида деярли барча касб вакиллари учрашиш мумкин. «Френдшип Форс»нинг Ўзбекистон клуби ҳам айнан шундай ҳолатида янги амалга ошириш мақсадида тузилди. Унинг аъзолари ҳам ўзбек зиёлилари, маданият, санъат, халқ ҳужалиги ходимларидан иборат. Шу билан бирга, ҳар иккала ташкилот ўртасида ўрнатилган алоқалар Ўзбекистон билан Америка ўртасидаги муносабатларнинг келажакда янада ривожланишига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиздир.

Миллий ассоциация раиси Н. Ғойиёв меҳмонларни халқаро миқёсдаги ташкилот бўлимининг очилиши ҳамда Американинг мустақиллик кунини билан қутлади. Кечада Американинг Ўзбекистондаги элчиси Генри Кларк оиласи билан ва Америка элчихонасининг ходимлари ҳам иштирок этишди. Жаноб Генри Кларк «Френдшип Форс» Ўзбекистон клубининг ташкил этилиши ва бу тадбир Американинг мустақиллик байрами нишонланган кунларга тўғри келганидан мамнун эканини ҳақида гапирди, бундай тадбирлар давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига замин яратганини алоҳида таъкидлади.

Сўнгра «Френдшип Форс»нинг таълифига биноан Америкада бўлиб қайтган делегация аъзолари сафар таассуротлари билан ўртоқлашди. Клубга аъзо бўлиш ниятини Тошкентда очилган «Компьютерларда» кўшма корпорацияси вакили ҳамда киноматограф Нозим Тўлаҳўжаев ҳам билдирди. Сўнгра Н. Тўлаҳўжаев америкаки фантаст ёзувчи Р. Врейдберги асарига асосида яратган «Қолган қор ёрди» мультфильмининг меҳмонларга намойиш этиди.

Кеча сўнггида «Наво» ансамбли ўзининг дилрабо қўшиқлари ва рақслари билан меҳмонларни хушнуд этди.

Нафисахон АЗИМОВА.

* Жасоратнома

Фидойи инсон

Уруш ва меҳнат фахрийси Собир ота Содиқовнинг ўйин-қароқ болалиги Кичик Қозир-обод маҳалласида кечган. Мақтабда яхши ўқиб, ўқитувачиларнинг ҳам меҳрини қозongan ш Собир ўқитувчи бўлишни орзу қиларди. Бироқ 1941 йилда бошланган уруш миллионлаб кишилар бахтига чағ солди. 1942 йилда 9-синфда ўқиб юрган мактаб ўқувчиси Собир армия сафига чақирилди.

Тошкент темир йўл вокзали. Бу ер одамлар билан гавжун. Содиқ ота ва Ойинс халалар ўз жигарбандларига шу ерда оқ йўл тилашди.

— Ой бориб, омон қайтгин болажоним, — дея дуо қилиб қолди.

Эндигина 18 баҳорин қаршилаган йилгича тушган павоз қамал қилинган шаҳар Ленинград томон йўл элди.

Қаҳратон қиш. Аччиқ совуқ юзми чимчилайди. 30 декабрь кунини Ледога кўли — ўша даврда «Хавт йўли» — нажот йўли» номи билан машҳур бўлган йўл орқали 713-полк тарихинда у ҳам Ленинград ҳимоячилари қаторига қилиб қўшилди.

— Муздам ўйатганимизда гитлерчиларнинг қирғуни самоқларни кучли ўққа туттишди, — деб ҳикоя қила бошлади Собир ота ўша суронли кунларини. — Бу ерда кўплаб қурбонлар берди. Қор кичга яшириниб омон қолганлар Нова дарёси ёнида мудофаада турди. Бизникилар дарёни кеңиб ўтишга уринди. Шу мақсадда туғундан асалган кўплаб қайиқлар келтирилди. Қўнқисдан пайдо бўлган разведкачиларимизни сезиб қолган фашистларга қарши барча қу-



рол турларидан кучли ҳужум бошлади. Қайиқларга тушиб олган жаңгиларимиз дарёнинг нариги бетида ўта бошладик. Мен ҳам улар қатори дарёдан ўтиб, раққа орқали қўмондонлик пункти билан алоқа боғлаб турдим. Ўша кунини душман қирқондан 8—10 километр чамаси орта суриб юборилди. Бир қисм солдатларини эса орқага қайтариб Пушкино шаҳри яқинидаги Колфин шаҳарчасига олиб келишди. Биз Ойинс кўли ёнидаги гишт заводига жойлашдик. 1943 йил январда Волхов фронти Ленинград фронти билан қўшилган жаңгиларимизга озиқ-овқат, қурол-армоғ кела бошлади.

Фронт йўлларида Собир Содиқов жуда кўплаб воқеаларнинг гувоҳи бўлган.

— Сизлар жаңг кўрган йилгиларсиз, — деди бир кун қисм командири бир неча жаңгиларини тўплаб, — Немислар қаерга жойлашганини аниқлаш учун разведкага бормиз.

Йилгилар ўрмонзор оралаб йўлга чиқиди. Урмондан чиққан, рўпарада кишлоқ кўзга ташланди. Қудуқ ёнида эса сувга келган партизаннинг жасоди кўзга ташланди. Жаңгилар йўлда давом этишарди. Улар ярим чақиримча йўл босган, немис пулемёти ортилган чана олдидан чиқиб қолди. Қўнқисдан пайдо бўлган разведкачиларимизни сезиб қолган гитлерчилар уларни қат-

тиқ ўққа тутта бошлашди. Улар ан-трофран аниқлаб учарди. Тобора ўқ овози пасая бошлади. Демак душман чечина бошлади. Бироқ қоландир чап елкасидан яра-ланган эди. Икки киши штабга хабар бериш учун орқага қайтишди. Қолган жаңгилар яна йўлларидан давом этишди. Бу ерда кичик бир кишлоқ мавжуда бўлиб, гитлерчилар шу ерга жойлашиб олган экан. Разведкачилар ортидан қўшмача кучлар етиб келишди. Улар гитлерчиларни ўн-дан ва чапдан ўраб олишди. Кўплаб немислар асир олинди. Курол-армоғ, ўқ-дароғ ўпка олинди. Шундан сўнгра Собир Содиқов ўз қисмига қайтди. Қўнқисдан жондорган, душман билан юзма-юз олишувларда қатнашди. Икки марта оғир ярадор бўлиб, контузига учради. Москва вилоятининг Ногинск шаҳридаги госпиталда даволонган, 1945 йилда оша шаҳри Тошкентга келди. Бироқ Ойинс хола катта ўғли Худойбергани ҳам, Содиқов кўлининг ҳам, урушдан қайганини билмасдан ҳавтдан кўз юмди.

Собиқ жаңгчи тинч ҳаёт юмушларига киришиб кетди. «Главкентстройда» ҳайдовчи бўлиб узоқ йил меҳнат қилди. Тошкентда у иштирок этмаган қурилиш йўқ, десак муболага эмас. «Халқлар дўстлиги» саройи, цирк биноси, «Гулистон», «Зарфшон» ресторани, Матбуот қосоналаридан торттиб уй-жой, болалар боғчалари, мактаб бинолари, телекинора қурилишлари қурилиш материаллари етказиб беришда Собир ака озмунча тер тўкмади.

Меҳнат қилган энди азиз деганларича бор. Уни ҳам-касблари иззат-қиром билан пенсияга кузатишди. Фараздлар ҳам камолга етишди. Ҳозир Собир ота 30 нафарини қўриб босиб, Маҳалла фуқаройлар кенгаши раиси сифатида хайрли ишларни амалга оширяпти. Болаларини армияга кузатиш маросимларидан фаол иштирок этади. Ёшларни интизомли бўлишига, Ватанга ҳалол хизмат қилишига даъват этади.

Мавлуда МИРЗАЕВА.



Каноп тоалари корхоналарининг Тошкент вилояти давлат акционерлик бирлашмасига қарашли эшилган маҳсулотлар фабрикасининг ҳар бир бўлимида иш қизғин тусда бормоқда. Ураш цехининг моҳир оператори Мусаллам Содиқова 16 йилдан буён шу ерда ишлайди. Ўтган вақт давомида у минглаб

погон метр канопли ипларни урашга эришди. Ҳар анимасидаги тошириқларни эса ҳар доим ортиги билан адо этади.

СУРАТДА: Мусаллам Содиқова иш устида.

Усмон Усмонов сурати.

* Излаган имкон топади ўз ёрдамчи хўжаликларидан

— Ёрдамчи хўжаликни бундан икки йил аввал ташкил этганди, — деди корхона директори Наум Мостовой. — Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Паркент» давлат хўжалиги ҳудудидagi эски фермани со-тиб олиб, қорамол боқишни йўлга қўйдик. Дастлаб иш кўчмади. Албатта ферма ишини юргизиш кабелъ иш-лаб чиқаришдан энгил эмас. Ҳар бир қорамолга емиш, жой керак. Ҳар бири парва-риш талаб қилади. Яна бир томони иқтисодий қийинчи-лик даврида ферманинг фой-да-зарарини ҳам ҳисобга

Юнусобод тумани давлат назорати инспекциясининг иш режасига мувофиқ Ўзбекистон ХДП туман кенгаши фаоли-ти билан ҳамкорликда тумандаги савдо дўконларига нон ва нон маҳсу-лотларининг қандай етказиб берилаёт-гани, уларнинг сифати текшириб кў-рилди.

Юнусобод тумани давлат назорати инспекциясининг иш режасига мувофиқ Ўзбекистон ХДП туман кенгаши фаоли-ти билан ҳамкорликда тумандаги савдо дўконларига нон ва нон маҳсу-лотларининг қандай етказиб берилаёт-гани, уларнинг сифати текшириб кў-рилди.

Юнусобод тумани давлат назорати инспекциясининг иш режасига мувофиқ Ўзбекистон ХДП туман кенгаши фаоли-ти билан ҳамкорликда тумандаги савдо дўконларига нон ва нон маҳсу-лотларининг қандай етказиб берилаёт-гани, уларнинг сифати текшириб кў-рилди.

Текширишлар натижаси шунини кўрсатадики, туман аҳолисига нон маҳсулот-ларини етказиб бериш ишлари дуруст йўлга қўйилган бўлса-да, бироқ бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Чунки, нон заводларидан келаятган нонларнинг ўзининг қатъий белгиланган меъёрий оғирлигида деб бўлмайдиган. Тумандаги 69-нон ва нон маҳсулот-

лари билан савдо қилувчи дўконда 1-навли бухона нонлардан 10 таси таро-зига қўниб қўрилганда улар мулкдаги 7 килограмм ўрнига 6,5 килограмм-ни ташкил қилиб, демак, ҳар бир нон-нинг вазни белгиланганидан камида 50 граммдан оздир.

Худди шундай ҳолни назоратчи гуруҳ аъзолари тумандаги 31, 19 ва 70-дўкон-лардаги нон билан савдо қилувчи бўли-наларда ҳам кузатишди.

Шунингдек, қўнғина нон дўконлари-га ноннинг кеч етказиш ҳолилари ҳам у-чрамоқда. Бинобарин, нон ташини жава-да қўпол равишда бузилмоқда.

Текширувлар шунини кўрсатдики, нон маҳсулотларининг сифат даражасини ҳам қўнғилдайдиган, деб бўлмайдиган. Шу боис ҳам аҳолидан эътирозли шикоят-лар тушиб турибди.

Қўнғини турибдики, ҳар бир хонадон дастурхонининг қўнғини бўлими нонини тайёрлашда ҳам илҳидий камчиликларга йўл қўйилган. Бутунги шароитларда эса ишга сомуққонлик билан қараётган нон тайёрловчиларнинг ўзбекистонли-гини асло кечириб бўлмайди. Сифатсиз тайёрланган нонлар эса бебаҳо не-ъматимизга нисбатан ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас. Негаки, «сифатсиз» деб ташлаётганимиз омон, бироқ нон бў-либ дастурхонга қўйилган шун не-ъматининг қанча-қанча қўллардан, иш жа-раёларидан ўтиб, пешона тери эвазига етиштирилганини ҳеч ким унутмаслиги керак.

Эркин ЭСНГАДИЕВ.

«Садор», «Америка овози» радиостанциясини эшитириш-лари асосида).

* Мухлис тақлифлари

Тўлиқ маълумот олсак

ЎЗБЕКИСТОН телерадиокомпаниясининг спорт кўрса-тувлари бош тахририяти томонидан футбол миллий че-мпонати учрашувлари намойишини яхши йўлга қўйиб олинганлиги биз мухлисларни жуда қувонтираётди. Шу билан бирга футбол мухлиси миллий футболмизининг ри-вож топишидан, умидвор инсон сифатида баъзи бир та-лифларини ўртага ташламоқчиман.

Авалло ҳар бир жамоанинг ўз мадҳияси бўлса ва улар ҳақамлар бошчилигида майдонга кириб келаятганларида янграб турса. Ойна жаҳон шарҳловчиси жамоалар тар-киби билан таништираётганда Европа, жаҳон чемпионат-лари учрашувларидаги каби ўйинчиларнинг суратлари — экранда акс этиб турса. Бундан ташқари айна шу пайтда исми шарифи тилга олинган ҳар бир ўйинчининг профес-сионал футбол жамоаси учун неча мартаба майдонга тушгани, тўп киритгани (ёхуд дарвозабоннинг ўтказиб юборган тўплари) ҳақида тўлиқ маълумот берилса.

Қолаверса, учрашув охирида рақиб жамоалардан ҳар бирининг фойдаланган, фойдалана олмаган хавфли вазиятлари, неча мартаба оғоҳлантириш олинганлиги, бур-чакдан тепилган тўплар сони, энг яхши ўйинчилар да-топилган йилгиларга бағишлаб бир неча дақиқа вақт а-вратилсада статистика маълумотлари сифати жадвал тар-зида намойиш этилса.

Шунда ойна жаҳон орқали намойиш этилаётган учра-шувлар минглаб мухлисларни хурсанд этишдан ташқари кўрсатув сифати ҳам анчайин ошган, қолавер-са, келтирилмак рақамлар, далиллар ишчибозларнинг маълумот сандиги (дафтарларини) янада тўлақонли, қимматли манбалар билан тўлдирган бўларди.

Умтажон МУРОДОВ.

* Минг бир касб

ЗЕБОЛИК СИРЛАРИ

Шаҳдо Азимовани Тошкентнинг қўшлаб аёллари били-шади. У пойтахтнинг 189-аёллар сартарошончасида меҳ-нат қилади. У «юсак малакали нусхахон уста» деган номига эга. Касб-кор маҳорати танловларидан бир неча бор гўлболини қўлга киритган. Ўтган йилнинг ёзида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган сартарошлар XI Республика тан-ловида биринчи даражали диплом соҳиб бўлди.

— Айтгинчи, нима учун айнаи шу касбни таллаган-сиз?

— Одамлар, айнақса аёл-лар гузал бўлишга ин-тилишади. Яшириб нима қи-ламан, мен ҳам шулар тои-фасиданман. Очигини айтган-да, касб танлашда шу оми-л таъсир қилган.

— Демак, бошдан оқ соч турмакларини бўйича икхисос этасиз бўлишга қарор қилган экансиз-да.

— Халқаро тоифадаги уста Эльза Степанова олдида келмаганда, билимим ким бўлиб етишардим, балки му-ҳандис, ёхуд шифокор бў-ларимдим. У кишининг хиз-матидан дастлаб онам, сўн-гра мен ва сингилм Севили баҳраманд бўлдик. Ана энди, кўриб турибсизки, менинг ўзим аёллар соч турмакларини бўйича мутахассисман, Се-вили эса косметолог.

— Биринчи мустақил ишингиз ёдингизми?

— Албатта. Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Сочини турмакларини аёл, унинг хо-ҳишидек бўлмагани учун мендан жуда ҳафа бўлди. Илоҳимиз қанча, баъзан ми-жозлар «қаро ёни сесун қи-линг», деб талаб қила бош-лайдилар. Уларнинг хоҳиши биз учун қонун. Ваҳоланки, устанинг берган маслаҳатига ҳам баъзан қўлоқ солиш ке-рак.

— Бу қадар машҳур бў-лганингизга қараганда сочта зеб беришнигиз кўчи-ликка ёқса керак?

— Доимий мижозларим кўп. Улар менга бутунлай ишонилган. Байрам кунлари учун уларга бир хил соч тур-магини маслаҳат бераман. од-дий кунлар учун боқасини тавсия этаман. Назаримда уларга ишим маълум бўла-пти.

— Қадимда сартарошлар табиблик ҳам қилишган. Сизнинг касбингизда ҳам ши-фокорликка хос бирор томо-ни борми?

— Албатта бор. Терини, сочини даволаш қўлимиздан келади. Биз тирноқлар шак-ли, сочлар тузилишини ўз-гартира оламиз, косметолог-лар махсус уқалаш билан шугулланишлар. Муҳими, одамларни хушнуд қила ола-миз. Баъзан мижозимизга қараб, унинг ҳорғинлиги, гамгинлигини ҳис этамиз. Сочини турмаклаб қўйганим-

Суҳбатдош
Аҳад МИНГҲУЛОВ,
Ишма ҚОҲАН.

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Шаҳримиздаги йиллик кор-хоналардан бири бўлиши Урта Осне электр апарат-лари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида Урта Осне минтақасидаги саноат кор-хоналари раҳбарларининг уч-рашуви бўлиб ўтди.

Маълумки ҳозирги бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш корхонаси ҳам, таъминот-ча ва буюртмачиларга бў-лушга ҳос синов даври бў-лмоқда. Мажбурий айрим кор-хоналар ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига йўл олиб, баъзи соҳаларда хо-лиқлар маҳсулотларини ишлаб рақобатлашмоқдалар. Урашувда мана шу икбий йўлдаги дастлабки қадам-

ларда учраётган камчили-к ва нуқсонлар, ечимини кута-ётган муаммоларнинг барча-си кўриб чиқилди. Шунинг-дек анжуман иштирокчилари Урта Осне республикалари саноатчи ва тадбиркорлар Ассоциациясининг фаоли-тини қўллаб-қувватлаш юза-сидан барча турдаги хусусий саноат корхоналари раҳбар-ларига қарата мурожаат на-бул қилишлар.

Қозғонгустон халқлари қон-лигини тараққиёт учун олиб, баъзи соҳаларда хо-лиқлар маҳсулотларини ишлаб рақобатлашмоқдалар. Урашувда мана шу икбий йўлдаги дастлабки қадам-



Марказий даҳалардан бў-лмиш Дархон бүгунги кунда янада кўриқ ва чиройли бў-либ бормоқда. Чунки бу ер-да ўзига хос инлога эга бў-лган беланд қаватли турар-жой бинолари қад ростиламоқда. Сиз суратда кўриб турган би-но ҳам худди шу даҳадан ўр-нин олган. Бу бино тўлиқ қад ростлади. Эндиги нава-бат пардоз ишларига. Пардоз иш-лари эса қизғин бормоқда. Уни «ташГРЭСстрой» трес-ти-га қарашли Анна Саутина ва Шүра Петрова бошчилиги қи-лаётган бригада аъзолари ба-жаришмоқда.

Хоймат Мирзақаримов сурати.



ҲАР бир халқда — хоҳ у катта бўлсин, хоҳ у элат бўлсин — ўз миллий гурури бўлади. Гурур сабаб оламда нимаки яратувчилик, қаҳрамонлик юз берса: «Менинг фарзандларимнинг ҳам иштироки бўлсади» деб интилади. Асли шу гурур, иштироки азалий тараққиётнинг устуни бўлса, ажаб эмас.

Ҳар гал Тошкент метрополитенининг «Фазогирлар шоҳқўчаси» бекати деворидаги исм-шарифларни ўқиб, кўзларим қамашиб кетади: Гагарин, Титов, Попович, Добровольский, Волков, Пацаев, Макаров, Греко, Ляхов...

Улар фазогирлар. Улар ўз халқининг фахри, ифтихори!

Бекат деворидаги ёзувларни ўқингда давом этамиз: Савидкая, Леонов, Крикунов... ва ниҳоят Жоникоев...

Дил анча равшан тортади. Хайрият, битта бўлса ҳам ўзбекистонлик бор, руйхатда...

— бу бошқа гап. Буни ҳар қанча гапирса оз, талаб қилса оз.

Мени қийнайдигани бошқа гап. Наҳотки миллионлаб тонна пахта етиштирган, сув ўрнида заҳар ютиб, нонга қўшиб заққум еб юрган йигитлар фазогирлик синовларидан ўта олмасан? Ахир уларнинг организм деб аталган ички «механизми»га етти иқлим ҳайратда-ку!

Шундай ҳаёллардан юрагимиз эзилб турганида сен бошим узра нур тўқинг, Истиқлол! Қувончимизнинг чеки, чегараси йўқ. Мирзо Улуғбекдек аллома ердан туриб 1018 юлдузни аниқлаб «Зижи жадида Кўрагоний» тузган экан, сенинг шарофатинг билан ўзбек ўғлини энди ўша юлдузларга салом бериб қайтади! Чунки сен юксак юлдузлар сари борганда маёқ бўласан!

Буюк алломани тилга олдимиз юрагим ҳаприқиб кетди. Гўё ул зот сўзларимни эшитдию ҳали

қаърига синга бошлайдир...

Ераб, Ер билан фалак бир қадам бўлиб, Оймоннинг тупроғи заминга тушган бўлсаю, бани башар истиқболи учун илм йўлида жон фидо этган қисмати Ҳоже, тақдирини нурафшон, илмининг гадосию тахтида султон Мирзо Улуғбекдек бобомизнинг тилаклари рўёбга чиқмаса? Ул муътабар зот салкам 600 йиллик мижага қокмасалар? Муборак нигоҳларини Сомон йўлидан узмасалар?

Шу ҳаёллар борлигини бир лаҳза бўлсин тарқ этмайдир. Улуғбек ҳазратларининг руҳи бетининг сўроқ айлаб олам кезаверади...

Ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа, ҳақиқат бошқа. Эртақлардаги учар отлар, учар гиламлар, сеҳрли этиқлар у қалпоқлар ҳақида ўқиб ҳажжонга тутганмиз. Ҳозир учар гилам — тайёралар, сеҳрли этиқ — автомобиллар хизматимизда. Қачон учар отлардан — фазовий кемалардан бири ўзбек йигити учун эгарланаркин?

Ҳозир номи ўзбек борки, ҳар кун оқшом кўнка нигоҳ солаётгани тайин, юрагида юлдузлар ишқи борлиги тайин. Лекин қачон истиқлол берган бахтдан энтиниб, ватандошимизнинг оёғи ердан узилиб, кўк сари парвоз этар экан.

Самода Улуғбек юлдузи кезиб юрди. Унинг рақами 2439. Энди набават сенинг юлдузингга, фазокор ватандош! Бобо ва набиралар Наврон қўювчи ва унга чиқувчи!

Ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа, ҳақиқат бошқа деб файласуфлик қилдим. Ҳақиқат — ҳаёт мезони. «Ҳар нарсанинг онаси орзу» деб ёзган эди аллома Хайём. Ҳаёл — орзу, ҳақиқатнинг онасидир. Сен ҳаёлингнинг ҳақиқат тимсолида гул очинсинг, ушлагининг намоишкорли бўлишинг қанчалар фахрли!

Биров ҳаёти мобайнида менавсин ҳеч бўлмаса бошқалар ерку деган ниятда дарахт экан. Яна бир одам йўл асосида. Бошқа олим жаноб киши асос дарағи кўприк қуради. Маърифатпарвар инсон ҳам мадраса, мактаб қуради. Улар эди ғамиди ашайдиган, юрагиди эзгулик, машъалли порлаб турган назари олий инсонлар!

Сен ҳам, азиз ватандош Мустақим ўзбекистон деган, табаррук номи Улуғбек Мирзо кўз тикиб яшаган фалак тоғига кўтариш ниятида белгини бир кун маккам болгарсан! Туронзамини қувончинг, тапешини кўнка текказган онингда, она юртинга бир нигоҳ ташла. Шунда дийринг сента қанчалар соғинча ва ифтихор кўзи билан боқиб турганини кўрасан. Аслида юраклардаги гурур, кўзлардаги сурур ўша миттигина нукта — Муқаддас тупроқ эканлиги оризини билан тўлғай. Шунда юлдузлар бағридан шода-шода назим тўкилади.

Асрларнинг жон фидолари, Гўлбағларнинг бўёғидар: Утминг кунинг зор индолари, Ниҳорнинг тўқилган кўз ёш, Ночор кўнгал бўлгандар. Гуноҳи йўқ юзлаб кесик бош, Ҳар дарахнинг бутунгидар, Тоғлардан ҳам оғирроқ алам, Саҳроларнинг шум зотидадир. Бир нафаслик қурувчи шабнам, Сарин гуллар дудогидар. Умидлари яшовчи дилинг, Утар дув кучогидар. Салобати минг-минглаб йилинг, Самарқанднинг шештоқидар. Дунёнинг бор ором лавзати, Ёшлик деган алп чоғидар. Юлдузларнинг илми ҳикмати, Улуғбекнинг сабоғидар.

Ватандош дўстим! Парвозинг бехатар бўлсин! Мирзо Улуғбек ҳазратларининг руҳ поклари, ниятлари, илму ҳикматлари сени қўласин. Мирзо Улуғбек энди ҳаёлим кўзгусида намоев бўлсалар, албатта сен ҳақингда сўзлағайман. «Сиз излаётган йигит, сизнинг орузиниғизни амалга ошироғчи бўлган йигит яқин кунларда фазода чарх уради», деб хабардор этаман.

Темур УБАДУЛЛО.

* Ёшлар овози

ОШИҚОНА

Эсингдами, сен-ла кезиб бахтиёр, Дилимиз розига тўлган кўчалар. Егудларин сочиб ой ҳам беозор Биз билан бирга кўлган кўчалар.

Утми бўсаларга тилсиз гувоҳдир, Биз учун мисоли чаманзор боғдир. Шу кўчада жоним боғланди тақдир Сириниздан оғоҳ бўлган кўчалар.

Сонингда талпиниб оранкиб, шошиб, Юрагим ирмоқдай энтиниб, тошиб Ҳаёт йўлларида кетди туташиб, Олам меҳваридай улкан кўчалар.

Биз энди ўтамин аҳён-аҳёнда, Барибир кўчалар ишққа ошкён-да. Қолмасин ошқлар дарда, армонда, Дилимиз розига тўлган кўчалар. Ишқиниғизга ошкён бўлган кўчалар.

Атиргул, барқ уриб боғимни яшнат, Отада муаттар ҳидларинг тарат. Сени эдинг ўшал севглигин учун Ул гузалга менинг ишқини ағлат.

Хушбўй исарингдан маст юрар дилдор, Парвона бўлиб ўрташиб тақор, Фақат сenga маҳабб боққан-боққан, Эканан боғбонинг эсламаси бир бор.

Ҳар кун боғдан гузал очилиб ўтар, Кўз-кўз қилиб жамолни сочилиб ўтар. Ўйларини пойласам нитизор бўлиб, Қиё боқмасдан оҳ ноз қилиб ўтар.

Ўйламас, шул йигит менга гул тутар.

Тожибой НАЗАРОВ.



Раққосанинг рақсида таъсир хироми бор. Шу сабаб уни кўрган кишининг дили гузалликка ошно бўлади.

Даврон Аҳмад сурати.

* Хориждаги ўзбеклар

«ВАТАНДАН ХОТИРЖАМ БЎЛДИК»

Ўзбеклар ўтроқ халқ. Лекин 1917 йилги инқилобда Сталин қатагонлари натижасида кўплаб ватандошларимиз дунёнинг турли бурчакларига тарқаб муқим яшаб қолди. Аммо улар ўз урф-одатларини, тилларини ва маънавий қадриятларини кўз қорачиқдай асраб-авайлаб бошларига, невараларига ўргатмоқдалар. Ҳозир Шимолий Америка, Германия ёки Арабистонда истиқомат қилаётган қай бир ватандошимиз хонадонига борманг, у ерда ўзбекистон дутфу қарамининг, меҳмондорчиликнинг гувоҳи бўласиз. Сўхбатдошимиз, Шинжон — Уйғур автоном районидида истиқомат қилувчи ватандошимиз Талъат Носирийнинг сўзларига қулоқ тутсангиз, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

— Сўхбатимиз бошида муштарийларга ўзингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Ота-онам асли ўзбекистонлик, инқилобдан олдин тақдир тақозоси билан Хитойга бориб қолган. Улар ўз даврининг зиёли кишиларидан бўлишган. Мен 1940 йилда Ўзбекистонда туғилганман. Ўзбекистонда санъатга қизиқишим кучли эди. Онамнинг айтишларича, менда бу соҳада қобилият ҳам бўлган экан. Ўша даврда Ўзбекистонда маҳалласи, масжиди, клуби, ўзбек мактаби бўлар эди. Мен ана шу ўзбек намуна мактаби деб аталувчи мактабда ўқиганман. Мактаб хорига аъзо эдим. 12 ёшимда мусобақаларда катнашиб, муваффақиятларга эриша бошладим. Сўнгра Урумчи ки-

ноактёрлар техникумида ўқидим. 1957 йилда ҳарбий хизматга борадиган кейин Шинжон ҳарбий райони санъат ансамблида созанда, армия газетасида аввал муҳаррир, кейинчалик муҳаррир бўлиб ишладим.

Урумчи ва Ланжу ҳарбий райони қарамоғида ижодий бўлишда полковник даражасига етган бўлиб ишладим. Ўн етти ёшимдан бошлаб шеърларим, тўпламларим нашр этила бошладилар. Шеърларимга басталанган кўшиқлар Шинжон, Урумчи, Пекин марказий телевидение ва радиосида янграб турарди. Кейинги ўн йил давомида Шинжон халқ наشريёти «Жунга нахилиси», Шинжон ёшлар наشريёти. «Бу ой, бу кунлар», Пекин миллат-

Юрдошимиз Талъат Носирий билан сўхбатимиз жуда қизиқарли бўлди. Сўхбатимиз хотимаида Талъат Носирий ижодининг Хитой эиёллари томонидан қандай тақдирланганини ҳақида айтиб ўтмоқчимиз. Шонининг «Доллар», «Икки шеър», «Ойдин кеча», «Армия қиз» тўпламларига Хитойдаги оз сонлик миллатлар адабиёт ва санъат асарларини баҳолаш кўрғи томонидан II даражали ҳамда «Мунаввар асар» мукофотлари берилган.

Талъат Носирий ўзининг «Кундор ва Гулзор» достони оинаида бағишлаган. Достода муаллиф ўзбек миллий кийимлари — бекмас тўн ва атлас кўйлакнинг пайдо бўлиши, уларнинг бўғаллигини куйлайди.

«Ермуҳаммад касасе», «Айбослар» комедиялари, «Полчи боланинг китоби» 9 қисмли телевизион новелла-сценарийин учун 1987 йили II даражали мукофотга сазовор бўлган.

Таржумонлик соҳасида Талъат Носирий Комил Яшиннинг «Нурхон», Саид Аҳмадининг «Келинлар кўзголи» асарларини уйғур тилига ўтириб, Урумчидаги Шинжон опера театрида қўйди.

Талъат Носирийнинг «Ўлбоғимга қиринлар», «Баҳор фаян», «Оромикон», «Айланай» каби ўзбек ва уйғур тилларидаги кўшиқлари, ланарлари куйланиб келин-

лар наشريёти «Лолалар» тўпламларини нашрдан чиқарди.

Ҳозирги кунда Шинжон — Уйғур автоном райони Фанлар академияси ҳамда «Хитой оз сонлик миллат ёзувчилари жамаиёти»нинг ҳайъат аъзосиман.

— Сиз санъат ва адабиётнинг деярли барча соҳасида ижод қилар экансиз, кўпгина чолгу асбобларини бемаълал чалиб, назм ва наво, фольклор, адабиётшунослик соҳаларида муваффақиятларга эришибсиз. Яна ўзингиз айтдингиз, истеъдодим сичилиб кетган деб. Бунга нима сабаб?

— Ўзбекининг ўз миллатига бўлган ҳиссиёти кучли. Айниқса, хорижда яшаётган ўзбекларда. Қолаверса, ўзбек маданиятининг биз яшаётган ўлкаларда таъсири зўр. Шундай экан, шу кунгача адабиёт ва санъат соҳасида қилган ишларим ўзбек халқининг маданиятининг хориждаги юрдошлар орасида чирогини ўчирмаслик, ўсиб келаётган авлодини ўз халқи маданияти дурдоналаридан баҳраманд этишга бағишлаган. Шунинг учун ҳар соҳада ижод қилганман.

— Ўзбекистонга иккинчи марта келишингиз экан. Бу галги таширфингизда сиз

моқда. Шинжон — Уйғур автоном райони радиотелевизион уюштирган кўшиқ баҳолаш танловига «Гул келур» ўзбек кўшиғи учун II даражали мукофот берилган. «Қараб турсанг», «Ялла айтай», «Айтсам бўлурму», «Дардимга дармон келур», кўшиқларини Маҳмуд Тожибоев, Маҳмуд Йўлдошевлар маҳорат билан куйлаб келмоқдалар.

Адабиётшунослик соҳасида Талъат Носирий «Хитой оз сонлик миллатлар ёзувчилари таржимаи ҳоли», «Хитой оз сонлик миллат ёзувчилари асарлари ҳақида» китобларида ўзбек адабиёт сифатида ватандошларимиз ҳақида маълумотлар берган.

Шунинг алоҳида айтиб ўтиш кераки, Талъат Носирий Фурқатнинг адабий меросини чуқур ўрганган. 1979 йилда Еркенгта Фурқатнинг қабрини тиклаган. Умуман, Талъат Носирий ўзбек халқи маданиятининг хорижда тарғиб қилиш, ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшган тараққиқпарвар инсонлардан. Талъат Носирийнинг дунё қарашини, асосий ғоясини унинг «Ўзбек ўғлиман» шеърда ўз аксини топган. Кўйида ана шу шеърини муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқчимиз.

Нонбахон АЗИЗОВА.



Қадимий обидларини кўз қорачиғимиздан асраш ва нурлаб бораётганларини қайта таъмирлаш ишлари айрим жойларда яхши амалга оширилмоқда. XVI асрда қад ростилаган Нукатонд бугунги кунда анча таъмирталаб бўлиб қолган. Ҳозир у ерда қайта таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Рабим Нугмонов уста таъмирловчилардан бири ҳисобланади. У 45 йилдан бунён шу соҳада меҳнат қилади.

СУРАТДА: Усто Рабим минорлар учун рангли плиткаларни талламоқда.

Б. Бағиев сурати.

1. Зиноқ — кўнгли.
2. Абр — бўлут.
3. Сабий — бола.
4. Чекит — нукта, модала.



Уйна болаёнай, ўйна Сеннинг рақсини кўриб олам ошур-
та бўйсин.
Рамиз Алеевнинг сурати.

СЕЗГИР ҚУРИЛМА

«Рефрактор» деб аталган япон аппарати ўзининг қатор афзал томонлари билан оптик сановатда катта эътибор топи. Ушбу махсус мураккаб қурилма ёрдамида киши кўриш қобилиятини жуда аниқ қилиб кўрсатиб бериш мумкин. Бунинг учун бир неча дақиқа вақт керак бўлади, холос.

Бундай замонавий аппарат яқинда Тошкентга ҳам олиб келинди. Бу ноб қурилмадан республикамиз пойтахтининг ўрда даҳасида очилган қўшма кўзойнак дўконига фойдаланилмоқда.

Бу ерга келувчилар учун фойдали муолажалар ўтқа-

* Биласизми?

4 «ЖИННИСИ»

МУҚАДДАС Рим империясининг (Германия қироллиги устулини қилган ўрта аср империяси) императори Карл IV га 4 рақами жуда ҳам ёқиб қолган экан (уш Карлларнинг IV чиси эканлиги учун бўлса керак аббат).

Карл IV империясининг тўрт пойтахти бўлган, уларнинг ҳар қайсини 4 буюк кийиздан бири идора қилган. 4 та саройда яшаб, ҳар қайси саройда 4 тадан ашиқ, 4 тадан стол, 4 тадан қандай бўлган.

Тантанали маросим вақтларида император 4 хил қимматбаҳо металлдан қўйилган 4 қиррали тож кийиб экан. У ўз империясини 4 қисмга, армиясини эса 4 қорпусга бўлиб экан.

Император 4 нафар от қўшилган файтунда юрарди, қийинининг рағи 4 хил бўларди, 4 тилда сўзлашарди. У кунига тўрт маҳал оқватланарди, 4 хил шароб ичарди. Ҳар талти оқват тўрт хил таомдан иборат бўларди.

4 рақамнинг «жиннис» бўлган император умрида 4 марта уйланган бўлиб, улардан 4 нафар ўғил кўрган.

Ўлим олдига унинг ёнида 4 шифокор ва 4 дин пешвоси турган, уларнинг ҳар қайсиси императорнинг 4 васиятини 4 тилда ёзиб берган.

Ўзи ҳам 1378 йилнинг 29 ноябрда роппа-роса соат 4 да дунёдан ўтган.

ЭНГ УЛКАН ВА ЭНГ КИЧИК ГУДАКЛАР

1897 йили Канадада бўйи 76 сантиметр, оғирлиги 10 килограмм 7 граммлик чақалоқ туғилган. Бу — дунёда энг катта туғилган гудак саналади. Унинг ониси Анна Баттеснинг бўйи ҳам чакки эмас: 2 метр 24 сантиметр экан.

Дунёда энг кичик туғилган гудак ирландиялик Тереза ҳисобланади. Муддатидан 14 ҳафта илгари дунёга келиб, ҳаёти зўрға саклашиб қолган бу қиз онадан туғилганида 625 грамм экан.

Фотима ОТАХОНОВА тайёрлаган.

«О1» хабар қилади

Халқимиз оловни тилсиз ёнга ўхшатади. Дарҳақиқат, ўтган июнь ойида шахримизда жами 229 та ёнғин содир бўлиб, унинг натижасида 2 миллион 231 минг 143 сўмлик зарар қўрилган. Ёнғ аниқлиси, бир киши ҳалок бўлди ва 4 киши жароҳат олди. Ёнғонларнинг зарари, балки оғир фалокатларга, оловнинг фожияларга ҳам олиб келади.

Июнь ойида содир бўлган ёнғонлар ўтган йилнинг шу ойига нисбатан 69 та кам бўлсада, лекин бу билан қувониб бўлмайди.

Шу йилнинг 9 июнида соат 19 дан 33 дақиқа ўтганда Акмал Имомов тумани Тулстон кўчаси 5-бони берк кўчада жойлашган 2-хонадонда ёнғин чиққанлиги ҳақида хабар келган, тумандаги 15-қисм ўт ўчирувчилари зудлик билан етиб келиб оловни бартараф этди. Миқдарида Миқдарида хонадонда чиққан ёнғин натижасида унинг 50 квадрат метр томи ва хонадон

жиҳозлари зарар кўрган. Бу ҳам етмаганидек, ёнғин қўшини С. Алимов хонадонига ҳам ўтиб, уларнинг 80 квадрат метр томи зарар кўрганлиги аниқланган. Ёнғин электр симларининг қисқа туташувида чиққанлиги қайд этилди.

11 июлдан 12 июлга ўтар кечаси соат 9 дан 8 дақиқа ўтганда Янкасарой тумани Бошқир мазасида 22-уйнинг 16-хонадонда яшовчи Рисуҳаммад Отабоевнинг ёнғин ҳам фақат бу уйга эмас, қўшини 13, 14, 15-хонадонларга ҳам ўтиб, каттагина зарар етказди. Натижада жами 110 квадрат метр жойга шикаст етди.

Газ плитасидан чиққан ёнғин туфайли Р. Отабоевнинг юзи қуёиб қолди. Юқоридаги ҳолатлардан ҳулосага келиб ёнғин чиқмаслиги учун эҳтиёт чораларини доимо кўриб юриш мақсадга мувофиқдир.

Тошкент шаҳар ўт ўчириш бошқармасининг давлат ёнғинидан сақлаш назорати бў-

Сергелидаги кўп қаватли уйларнинг бирда ёнғон хонадондан келатган ёнғи овозидан қўшинлар безовталаниб йўлакка чиқишди. Ёшқини қаттиқ уриб «Карима»лаб бақаришди. Ҳеч ким жавоб бермади. Ҳар хил тахминларга борган қўшинлар милицияга хабар қилишга мажбур бўлишди. Шу орада кимдир хонадон соҳибаси Карима ишлайдиган дўконга ҳам бориб келди. Ишга келмади. Ёшқини бузиб очилди. Даҳшат...

Карима эса ерда ҳам, қўлда ҳам йўқ. Икки кундан кейин Сергели туманидан оқиб ўтувчи Чирчиқ каналининг оёққоқ еридан тошга ярим қўшиб ташланган аёл кишининг жасади топилади. Махсус қўтилар томонидан қаттиқ жаборланган эди. Уни олдин тош билан роса калтақлашган. Кейин эса пичоқ билан чавақлашган. Мурдани текширган экспертлар тананинг 35 ерида пичоқ излари борлигини аниқлашди.

Орадан икки кун ўтиб аёлнинг шахси аниқланди. У фожия рўй берган хонадон соҳибаси Карима бўлиб чиқди. Она билан қизнинг бу қадар тақдирлаб ўлдирилиши кимга керак бўлиб қолди? Мана шуниси сирли жумбоқ эди.

...Улар бир-бирлари билан кимлардир орқали танишган эдилар. Кейин яна турли вазиятларда уч-тўрт бор учрашди. Бир суҳбат чоғида Расул шу аёл ўғлини сунат тўйи қилмоқ мақсадида пул йиғиб юрганлигини билиб олди. Ўшандай унинг бошида шум ният пайдо бўлганлиги. У Карима билан алоқани яхшилашга ҳаракат қилди. Йўл-йўлакка кўриб ўтиш баҳонасида аёл сотувчилик қилаётган оёққоқ-оёққоқ дўконига бир неча марта борди. Гап орасида соддадил, қўнғилчан аёлнинг турар жойини ҳам билиб олди.

Бир сафар Кариманинг уйига қарз сўраб борди.

«Йигит кишининг сўзи ерда қолгунча...» деган нақша амал қилиб, Карима розилик билдирди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди. Чунки Расул бошига оғир таъиниш тушиб қолганини айтиб унинг қариндаси йўллагудек бўлиб турарди. Шундай пайтда борни йўқ дейишга тилини борариди. Аёл «Хўзир» дея уйига кириб латтага ўралган бир даста пул олиб чиқди. Шунча пулни кўриб Расулнинг кўзи бир зум ўйнаб кетди. У зўр-базўр ўзини тутди.

— Вой, ҳижолат бўлмаган укам. Манг, тоғанингизда берарсиз, — деди Карима раҳмдиллик билан йигитнинг қўлига пул тутқазар экан.

Расул катта миннатдорчилик билдирди.

— Менга қаранг, — деб қолди Карима қўлининг бирда Расулнинг учратганидан хурсанд бўлиб. — Мабодо сиз магнитофон тўзата олмайсизми? Ўзидан ўзи овози чиқмай қолди ўлгурунинг.

— Маркиси нима? — шошилиб сўради Расул.

— «Веларусь».

— Ишнинг бир тўғри қолибди, йўқ десам бўлмас. Очиги мени бу ишга қувим йўқроқ. Лекин бир таниш устам бор. Ўшаникига олиб бориб тузатириб бераман.

— Вой, барики тоғинг. Ўстага олиб боришга ҳеч вақтим бўлма-ётганида, — ишчи осон битганидан хурсанд бўлди Карима.

Ўша кун Расул магнитофони уйдан олиб чиқди-ю, бедарак йўқолди. Карима турли шубҳаларга борди. Кейин эшита Расул унинг магнитофони йўлда «йўқотиб» (нима у ниямидики йўлда йўқолса) қўйганини. Шунинг учун Кариманинг олдида келишга ҳижолат бўлиб юрганини. Шунда Карима Расулга бўлган ишончини йўқотгандек бўлди.

Дмитрий Зибицкери Инна Тўра-хўнаева энг яқин кишисига ишонгандек ишонарди. Шу туфайли Инна унингда тез-тез меҳмондорчиликка бўлиб турарди. Бардзан эса Дмитрий ишга тошпаётиб уй қалитини Иннага тошпаётиб келарди. Шундай кесаларда маълумларай қийини шохона ҳаёт кечирилган орада қилаётган бу аёлнинг ноғуя қайлар қулгаб оларди. Ленин у Дмитрийнинг ишончини кўпроқ қозониш учун қора ниятини оғрақа сурарди. Хуллас, Инна хонадонга эгаси эмас, балки унинг бойлиги кўпроқ қизиқтирарди. Шунинг учун ҳам асалга тушган пашамак бу ердан оёқ узиб кетолмасди.

— Мен иш юзасидан уч-тўрт кунга сафарга кетадиган бўлиб қолдим. Хоҳласанг ўйинг қалитини қолдириб кетай. Қайтганимча шу ерда яшаб тур, — деб қолди Дмитрий қўлимаганда Иннага.

Айни муддао, ўйлади Инна. Ленин сирини бой бергиси келмади.

— Бир ўзим қўрмайман, — туллангандай деди у. — Виронга танишимни олиб келиб ётсам майлими?

— Ўйинг биласан. Ҳарқалай олиб келадиганинг анови Расул бўлмаса керак.

— Ўлибамия, кўзингга чўп солиб, биронта дугоналарини назарда тутайманми.

Ўша кундан бошлабқо хонадоннинг турли Расулнинг бўлди. «Шоҳ ва малика» фаровон ҳаёт кечирибди. На иложки, Дмитрийнинг қайтар чоғи қичи эди.

— Парво қилма, уйини «қўчириб» нетамиз, — деб қолди шунда Расул Иннага. — Эгасига мен йўқимда ўтири уриб кетибди, дейсан-қўласан. Аммо айтиб қўй бир гап бўлса ҳеч нарсани бўйинига олмасан. Биз бир-биримизни мутлақо танимаймиз, тушунидими?

Шунга ахлланишди. Ўша кун Расулнинг акиси Райимжонин «қўчиришга» ёрдамга чақирди. У шошилиб ўзининг машинасида етиб келди. Шу кун Дмитрийга қарашли «Фотон» телевизори, радиолар ва яна бошқа бир қанча буюмлар гумдон қилинди. Кейин унинг эштининг оёққоқ қолдирганларича жўнаб қолди. Райимжон ҳам қуруқ қолмади, ўз улушини олди.

Сафардан қайтган Зибицкери қайғу босди. У дарҳол Иннани қидиришга тушди. Худди гумдон қилгандек уни Расул билан бир жойдан топи.

— Яхшиликча буюмларини қайтаринглар, бўлмаса ҳозирок милицияга хабар қиламан.

Қараша иш чатоқ. Дмитрийнинг авзойи бузуқ. Шундан сўнг «шоҳ ва малика» бу ишни ҳазилга йўйишди.

— Сени бир синаб кўрмоқчи эдикда. Ўйлади гап йўқ, кечкурун ҳамма буюмларини уйинга элтиб берамиз, — дейишди ўзга чора топишга олмай.

Кечкурун Зибицкерикига уч киши кириб келди. Расулнинг қўлида тўшпача бор эди. Улар гап йўқ, сўз йўқ Дмитрийнинг роса дўшпослаб «қилини пешлашди». Кейин тўшпача ўқитиб латтага қилишди. Бечора Зибицкери кўрққанидан ўғирланган мол-мулкни уларда қолдиришга бу ҳақда ўзгаларга даъво қилмасликка ваъда берди. Шу йўл билан жонини омон сақлаб қолди.

— Ана, гап бундай бўптида, — деди Расул қон тушпаётган Дмитрийнинг елкасига қоқиб. — Тур ўрингдан.

Иш ҳамирдан қил сугургандек

* Жиноят ва жазо

ҚАБОҲАТ

осон қўчганидан Расул хурсанд бўлиб кетди. Орадан бироз муддат ўтиб у Иннага ўтирди.

— Эндки, бундай, кундуз қулар шайх айланасан, таниш-билишларини ишга соласан. Бадавлат хонадонларни сўраб-сўриштирасан. Биз эса йигитлар билан кечаси босамиз. Шундай қилсан, қарабсанки, уч-тўрт ойда чиндан ҳам «шоҳ ва малика»лардай яшаймиз.

Аёл бунга жавобан йигитга ғалати ишлайди.

— Шунчалардан биттаси бор. Аччадан бери қўзим остига олиб юрардим.

— Айт ним, қаерда яшайди? — аччадан бери қўзим остига олиб юрардим.

— Тошкентда, Чилонзорда яшайди. Игорь Юзкин. Яқинда ўзим унингда меҳмон бўла туриб хотинига қарашли бир қанча буюмларини ўғирлаб қайтардим. Роса бой яшайдида ўзи ҳам.

Қўйил, малика, — деди Расул. — Шу бугун кечаси Игорини таъзирини берамиз.

Расул айтганини қилди. Ўша кун хонадон эгаларини қўриқтиб, жабуллаб улардаги қимматбаҳо буюмларини ўзининг қўлига олди.

Карима Расулнинг ҳар қўлида йўқолган магнитофонини топиб беришни қистаб жон қолмага қўймасди.

— Пулни бериб қўй қолсамчи... — Менга пул эмас, магнитофон керак, — дерди Карима.

Аслида Расулни пул бергиси ҳам йўқ эди. Бироқ у Каримадан ҳар гап қочиб қутилиш учун бир баҳона ахтарарди. Унинг боши қотгандай. Қандай қилса бу ўжар аёлдан қутиларди.

Ўйлаб-ўйлаб Расул бир қарорга келди. Карима билан ҳисоб-китоб қилиб қўйилган бўлди. Ёрдамга акиси Равшан ва дўсти Вадим Кашаевни чақирди. Қарқалай қамоқ ўзинини кўриб чиққан тақрибани йигитлар, уни уалтириб қўйишмайдилар.

Шу йилда кечки пайт Карима ишлайдиган дўконга боришди. Бахтга қарши аёл бутун эртанг уйига кетиб қолган экан. Дўкон рўпарасида тўхтаб турган машинани ёллаб, тўғри Кариманикига боришди.

— Болалари бор. Уйда биз йўлаган иш бўлмайди, — деди Расул ҳамтовоқларига шивирлаб.

— Ҳаммасини бир йўла қўшмо-зор қиламиз-қўямизда, — Равшаннинг гапидан Вадим серган тортиди.

— Йигитлар, балки яхшиликча қўлдирармиз.

— Йўқ, яхшиликча юрадиганлардан эмас у, — деди Расул Вадимга жавобан. — Яхшиси магнитофон топилиди, уни олиб берамиз, — дея уйдан алдаб олиб чиқамиз. Кейин... Бир мўлжаллаб, қўйган жойим бор. Сергели яқинидаги Чирчиқ ўзани бўйи биз учун қўлай. У ерга қош қорайганда кимса келмайди.

Равшанга бу фикр маъқул тушди. Вадим иккиланди.

— Менга қара, — деди Расул бу ишга юраги бетламаётган Вадимга. — Ким айтди сени қамоқ қўрган йигит деб. Аммо айтиб қўй, шунча қилаверсанг оқибати ёмон бўлади. Ахир сен билан анча йиллик ҳамтовоқимиз.

Ҳа ака-укадан қўриқувлик. Уларнинг қўлидан ҳар иш келади. Яна бир оғиз гапирадиган бўлса Карима қилиб, Вадимнинг боши кетиши аниқ. Янка отининг барибир доғи чиқмас эканда.

Бу орада машина Карималарнинг уйига яқинлашиб қолгандай. Вироз юриб тўхташди. Расул кабинадан тушаётиб тайиллади.

— Сенлар ўтириб турларинг. Мен ўзим олиб чиқаман уни.

Ўйлаб Карима қўриқини билан Расул ўзини ўта қўнвоқ қилди.

— Сизни безовта қилдима, опа.

— Йўқ... Энди... — Пастда машина турибди. Магнитофонини топилиди, шунинг олиб бериб юборай дедим. Аммо айтиб қўй машина кираси мендан.

— Майли, майли ўзим бориб олиб кела қўлай. Сиз пастда тура туринг, мен ҳозир қийиниб чиқаман.

Машинада Расулдан ташқари яна икки нотаниш йигит ўтирганини кўриб Карима тўхтаб қолди.

— Булар менинг дўстларим. Йўлда қолмади. Чикаверинг, опа, — деди Расул орадан шубҳани кўтариш учун. Аёл орқа ўриндиққа жойлашди.

Улар катта йўлда машинадан тушишганида атмосфера қоронғулик чўкиб қолгандай.

— Нега бу ерда тушдик. — сўради Карима юраги ҳаприқиб.

Жавоб ўринга йигитлар уни бир зумда пастга судраб кетишди. Аёл дафъатан нима бўлаётганини билмай қолди. «Ҳазиллашманг, йигитлар» дегунча ҳамтовоқлар уни анча жойга судраб олиб бориб қўйишди. Кейин кўрқиб бақирмоқчи бўлди. Дарҳол оғзини ёпдилар. Ниҳоят катал бўйидаги тошлоқ ерга етиб келишди.

— Ўзинг шу ерда қолади сен итвачанинг, — бирдан хиррилади Расул.

Майли, мен ҳаммасига розиман. Лекин ўлдирманлар, икки-та болам бор, — даҳшатли деди Карима.

Вироз ака-уканинг аҳди қатъий эди. Улар олдинги бечора аёлнинг оёқ-қўлини боғлашди. Кейин оғизга латта тиқиб, тош билан роса савашди.

— Жони қаттиқ экан. Хали-бери ўладиган эмас, — деди-да Расул қўлига пичоқ олиб Кариманинг дуч келган жойига ўрди. Кейин пичоқни Равшанга берди. Аканинг ҳам «жазаваси» тутди.

Вадим тепада қўриқчи вазифасини ўтади. Ака-укалар ишни «дўндириб» чиқишди.

— Ҳозир тўғри уни уйига бора-мизда қизини ўлдириб мол-мулкни олиб кетамиз. Шу йўл билан балодан қутилиш мумкин. Чунки қизча онаси биз билан кетганини кўрди, — деди Расул ҳамтовоқларига.

— Ҳаммаёқ қон-ку. Олдин қиймларини алмаштириш керак, — деди эътироз билдириб Равшан.

— Яхши унда олдин Иннани-кига бораемиз. Қиймларини тозалатиб олган...

Шундай қилишди. Инна Тўра-хўнаева йигитлардан бор гапни эшитиб, хурсанд қилиб қўйди.

— Кўнғилдаги иш бўлибди. Йўқ магнитофонини қистайвериб жонга теккан эди.

Инна ишга киришиб кетди. Қиймлардаги қон изларини юйиб тозаллади. Зумда йигитларни «чақмоқдек» қийинтириб, уларга «оқ йўл» тилади.

Аммо айтиб қўй, тилла тақинчоқларини менга берасизлар. Ҳамтовоқлар йўлда тақис тўхтатиб, Кариманинг уйига келишганида соат тўғри 23 ларга яқинлашиб қолгандай. Улар бегона қўздан аширишиб, тўққизинчи қаватга кўтарилишди. Вадим ҳайдовчинини қалғитиб турини учун тақис машинасида қолди.

— Ёшқини қандай очамиз? Қўнғирокни жингилатамизми? — сўради Равшан Расулдан.

— Қалит ўзимда бор. Воя Кариманинг ҳаммеини қалити билан олиб қўйгандай.

— Қўйил.

Таниш-нотаниш башаралар ёшқини очиб қиришганда Ирода кўриб кетди. Чунки у хали уйроқ, ойсининг кечинки қолганидан хавотирланган ўтирган эди.

— Ойим қанилар? — деди у боғит ойсини бошлаб кетган кишини таниб.

Ана-ука қизга ёпиша кетди. Шу дамда икки ёшли Умидбек ҳеч нарсадан беҳабар нариги хонада ухлаб ётарди. Олдинга улар Иродадан ойсининг пуллари қаерда эканлигини айтиб беришни талаб қилишди. Қиз кўрсатган жойдан ҳеч нарсга топилаётган бўлиб яна унга ташлашди.

— Айтасан, айт, бўлмаса ўлдирармиз.

Ирода харчанд бақирмоқчи бўлар, лекин овози чиқмасди. Чунки унинг томоғидан бўғиб турган қўллар бунга йўл қилмасди. Қиз тобора бўғилиб борарди. Уни ётоқхонага олиб киришди.

Эрталаб ёшқини бузиб очган қўшлардан хонадон зўрланган ва бўғиб ўлдирилган қизанинг ўзининг топилиди. Қўтилар шу қадар бойликка ўч эканки, ҳатто мурларнинг қўлоғидан зирагичча ситиб олишди. Барча хоналар ағдар-тўнтар қилинган, тахминан оилага анча-мунча зарар етказилган эди.

Йигитлар из ёпишганча қарқалай қўздан нари туришга ҳаракат қилишди. Шу мақсадда улар эртасига Инна Тўра-хўнаеванинг муқим турар жойи бўлган Ангрен шаҳрига жўнаб кетишди.

Қўнғир ишнинг қийини қири йилдан кейин ҳам чиқайди, дейишган. Йўқ, бу жиноят изи қири йил эмас, ҳатто тўрт кун ўтмайёқ топилади. Кечаси жиноятчилар олиб юрган тақис ҳайдовчиси сўроқ қилинганда ҳамма нарсга ойдинлашди.

Бу жиноий ишни кўриб чиққан шаҳар суди ашаддий жиноятчи ака-укалар Расул ва Равшан Аҳмедовларни энг олий жазо — отишга ҳукм этди. Райимжон Аҳмедов — 8 йилга, Вадим Кашаев — 10 йилга, Инна Тўра-хўнаева эса 8 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилди.

Ҳақда ушбу жиноий иш на-зорат тартибидеда қайта кўриб чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ҳайъати жиноятчиларга шаҳар суди томонидан берилган жазоини қўлда қолдирди.

Рустам АКБАРОВ,
шаҳар суди раисининг ўринбосари.
Мақсуд ОРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИҲЖОРАТ ЖАБРАРАПРИ ВА ЭЪЛОМАЛАР

«ЎЗКИТОБ» БИРЛАШМАСИ

БУКИНИСТИК КИТОБЛАР ВА ЭСКИ НОДИР БУЮМЛАР КЎРГАЗМАСИ ХАМДА ХАЙРИЯ АУКЦИОНИНИ ЎТКАЗАДИ

КЎРГАЗМА 19—21 август кунлари, АУКЦИОН 20 август кун Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги давлат музейи биносидеда ўтади.

Кўргазма ва аукционга қадимги қўлёзмалар ва нашрлар, суратлар, наштадар ва матолар, эски нодир буюмлар: миллий либослар, тақинчоқлар, заргарлик безаклари, мис, шиша чинни сопол идишлар ва бошқа диққатга сазовор нарсалар қабул қилинади.

БУЮМЛАР Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 69-уй — А. Навоий номидаги давлат музейи биносидеда 1993 йил 19 июлдан 18 августгача қабул қилинади.

ҚАБУЛ ВАҚТИ: қоршаб, пайшанба ва жума кунлари соат 11 дан 14 гача, шанба, якшанба кунлари эса соат 12 дан 18 гача.

МУЗЕЙ ВИНОСИ: метронинг «Пахтакор», «Навоий» бекатлари, 7, 8, 11, 16-трамвайлар, 4: 20-троллейбуслар ва 28, 91-автобусларнинг «Алишер Навоий» бекатларида жойлашган.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИ ВА ДИПЛОМАТИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ
1993—1994 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

«ТАДБИРКОРЛИК МЕНЕЖМЕНТИ МАГИСТРИ» — олий маълумотлилар учун. Ўқиниш муваффақиятли тугатилганда тадбиркорлик менежменти магистри (бошқарувчи) иқтисодлиги берилади. Чет тили мукаммал ўргатилди.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 2 йил.
ЎҚИШ УСУЛЛАРИ: қў